

1930 йил
12 майдан
чиқа
бошлаган



Конунишилик ва ҳуқуқ-тартибот учун!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИВ НАШРИ

ДОССИЯ

№ 10 (3434)

2002 йил 7 март, пайшанба

Сотувда эркин нархда

ЧЕҲРАНГИЗДАН БАҲОРӢ ГҮЗАЛЛИК АРИМАСИН!

Ички ишлар вазирлиги тизимларида ва таълим муассасаларида хизмат қилаётган муҳтарама онахонларимиз ва азиз опа-сингилларимизни, ички ишлар идоралари фахрий аёлларини вазирлик раҳбарияти, шахсий маркиби ҳамда ўз номидан Халқаро хотин-қизлар байрами – 8 Март билан самимий табриклиман.

Ички ишлар идораларининг машаққатли, аммо шарафли фаолиятига ўз ҳиссангиши қўшиши билан бирга мустақил мам-

лакатимиз келажаги – фарзандларимизни Ватан, ҳалқимиз манфаатлари йўлида фидойилик кўрсатиб тарбиялаётганингиз учун чуқур миннатдорчилек билдираман.

Барчангизга сиҳат-саломатлик, оиласий баҳт, узоқ умр, баҳорий гўзаллик, келажакдаги орзуларингиз ушалишида улкан зафарлар тилайман.

З. АЛМАТОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Ички ишлар вазiri,
ички хизмат генерал-полковники.

БАҲТУ ИҶБОЛ СИЗГА, АЗИЗ ОПА-СИНГИЛЛАР!



Бизнинг аёлларга ҳаё фазилат,
Мехнат бор, муҳтожлик доим бегона.
Онамсан, ёримсан, синглимсан факат,
Дунёда энг азиз дўстим ягона!

Бош муҳаррир минбари

БАҲТДАН ТАХТ ТИЛАЙМИЗ, АЗИЗ ПОСБОН АЁЛЛАР!

Эркаклар учун масъулиятли кун яқинлашмоқда. Зоро, хонадон сохиби ҳисобланмиш биз, эркаклар шу куни юрагимизга яқин бўлган кишилар – аёлларни эъзозлаш бўйича йилнинг энг кўнгилли синовидан ўтиб, муносиб баҳо олишимиз лозим.

Муҳтарама аёлларимизни эъзозлаб, уларга ширин муомалада бўлишимизнинг рамзи маъноси бор. Зоро, табиат уйғониб, жонланиб бораётган шу кунларда Баҳор, Она, Аёл каби тушунчаларни бир-бirisiz тасаввур этиш кийин. Азалдан бу сўзлар замирида муҳаббат, гўзаллик, софлик, умид ва ҳаётнинг давомийлигига ишонч мужассам.

Республикамида амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларда аёлларимиз фаоллик кўрсатаётгани ҳар қандай мактогва лойиқ. Мамлакатимизда рўй берабётган янгиланишларда улар эркаклар билан баб-баравар иштирок этишайти. Ҳеч муболагасиз айтиш мумкинки, уларнинг ижроилиги кўплаб эркакларимизга ибрат бўлса арзиди. Аёлларимизга табиат ато этган масъулият туйғуси нафақат оиласида, балки бошқа фаолият турларида ҳам намоён бўлмоқда.

Хозирда аёлларимиз илгари эркаклар устунлик килган талайгина соҳаларда ўзларини кўрсатишайти, уларнинг аксарияти корхоналарнинг иқтидорли раҳбарлари, тадбиркорлардир.

Кўплаб опа-сингилларимиз Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги бўлинмаларида хизмат килиб, жасурлик ва меҳнатсеварлик намуналарини кўрсатишайти. Айни пайтда терговчи, вояга етмаганлар бўйича инспектор, кинолог ва бошқа соҳаларда юксак касб маҳоратига эга ажойиб ҳамкасб аёлларимиз ҳақида “Постда” ва “На посту” газеталари саҳифаларида мунтазам мақолалар ёритиб бориляпти. Боз устига биз, республика ИИВ Бирлашган таҳририяти журналистлари ўз ҳаётини жамоат тартибини сақлашга баҳшида этган фидойи аёлларимизнинг шарафли хизмати ҳақида ҳар қанча ҳикоя килиб борсак ҳам уларнинг юртимизда осойишталикини таъминлашга кўшаётган улушини тўлиқ акс эттира олмаслигимиз аён. Милиция хизматининг ўзига хос қийинчиликларини мардонавор енгаётган гўзал ҳамкасларимиз ва уларнинг меҳнатини ҳар куни, ҳар қанча мақтасак арзиди.

Милиция бўлинмалари, ички, қоровул кўшинлари, госпиталлар ва ҳуқуқ-тартибот идораларининг бошқа соҳаларида хизмат бурчини шараф билан ўтаётган азиз опа-сингилларимиз, сизга баҳт тилаймиз!

Шонли Халқаро хотин-қизлар байрами арафасида аҳоли тинчлиги ва осойишталигини ҳимоя қилаётган ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларига ўзларининг ширин сўзи, ғамхўрлиги ва меҳрибончилиги билан кўмаклашётган аёллар ҳақида ҳам тўхталиш жоиз.

Ёдимда, Сурхондарёнинг ўтиш кийин бўлган тоғли худудига тишироғигача қуролланган халқаро террорчилар сукулиб киришга уринган кезлари икки ҳафта мобайнида пистирмада бўлган кекса офицер журналистнинг “ўзингиз ва аскарларга кийин бўлмадими?”, деган саволига кўйидагича жавоб берган эди:

– Асосий гап мен ва аскарлар бошидан кечирилган қийинчиликларда эмас. Бундай оғир дамлар хизматда учраб туриши табиий. Халқаро террорчилар билан курашнинг олдинги чизигида ҳаракат қилаётганимиз эса бошқа гап. Ҳар биримизнинг оиласиз, фарзандларимиз, рафиқамиз, онамиз, сингилларимиз бор. Улар тинч ва осойишта яшаши, келажак авлодни тарбиялаши зарур. Осоишталик ва барқарорликни эса биз таъминлаймиз!

– Қийинчиликларга келсак, – сўзини давом эттириди офицер. – Севимли оиласизга ташриф буюргач, бу ердаги тотувлик, фарзандлар кувончи ва умр йўлдошингнинг меҳрибонлигидан барча чарчоғу ташвишлар бир зумда унутилади. Шундай дамларда тинчлик ва фаровон ҳаёт таъминланишига муносиб хисса кўшаётгандан қоникиши хиссини туясан, киши.

Оналаримиз, рафиқаларимиз, опаларимиз, кизларимиз ҳақида гап боргандга биз, юрт ўғлолнари учун азиз ва қадрдан бўлган аёлларимизни ҳар доим авайлаб эъзозлаш, қийинчиликларни енгишлигига кўмаклашиш, барча орзу-истаклари амалга ошишига эришиш мұқаддас бурч, десам барча эркаклар бу фикримга кўшилади, деб ўйлайман.

Ўз вақтида донишмандлар ҳар бир халқ, давлатнинг маданият даражаси биринчи галда аёлларга муносабат ва уларнинг жамиятда тутган ўрни билан ўлчанишини айтиб ўтганлар. Бу муносабат юқори бўлган мамлакатда доим осойишталик, тотувлик, муҳаббат, яратувчилик, келажакка ишонч ҳукм суради.

Республикамиз тобора гуллаб-яшнаб бораётган бир пайтда аёлларимизнинг жамиятда тутган ўрни, ҳаётимиз барча жабхалари ривожига кўшаётган улуши, ишлаб чиқариш, таълим, маданият, фан, фарзандлар тарбиясидаги роли тобора ошиб бормоқда.

Азиз аёлларимиз қайси лавозимда ишлаб, қандай мураккаб ва масъулиятли вазифани бажармасинлар, биз эркаклар учун доимо нафосат, меҳрибонлик ва муҳаббат тимсоли бўлиб қолаверадилар.

Қадрли опа-сингиллар, ажойиб баҳор айёми – Халқаро хотин-қизлар куни билан сизларни чин дилдан кутлаб, улкан омадлар тилаймиз ва бу ниятимиз амалга ошиши ҳамда мустақил Ўзбекистонда яшайётган ҳар бир аёл баҳтиёр ҳаёт кечириши учун бор имкониятларни ишга солаверамиз.

ҲИСОБОТЛАР, УЧРАШУВЛАР, МУЛОҚОТЛАР

Республика ИИВ Эксперт-криминалистика хизматининг ҳисобот йигилиши бўлиб ўтди. Вазирлик ЭКБ раҳбар ходимлари, вилоят ИИБлари экспер-криминалистика бўлимлари раҳбарлари иштирок этган ушбу тадбирни Ички ишлар вазирининг ўринbosari, милиция полковники X. Зокиров очиб, кун тартибидаги масала бўйича ўз мулоҳазаларини баён этди.

Республика ИИВ Эксперт-криминалистика бўлими бошлиғи, милиция полковники Г. Никишин экспер-криминалистика хизмати томонидан 2001 йилда амалга оширилган ишлар ва келгуси режалар хусусида маъруза қилди. Нотик ўтган йил давомида эришилган натижаларни таҳлил қиласа, хизматни шакллан-

тириш учун олиб борилган саъӣ-ҳаракатларга алоҳида тўхтади. Унинг фикрича, экспер-криминалистлар тергов ва тезкор-қидирив ҳаракатларида иштирок этиб, жиноят ишлари очишига муносаб улуш қўшишаётти, эксперт хизматларни тезкор-техник воситалар, ёрдамчи материаллар, хусусан компютер техникаси билан тарь-

минлаш борасида талайги-на ишлар қилинди. Бундан ташқари ходимларнинг касб маҳоратини ошириш, экспер-криминалистика хизматга тайёрлаш учун уларни мақала ошириш курсларига йўллаш дикқат марказида. Бугунги кунда асосий кўрсаткичлар бўйича Фарона вилояти, Тошкент шаҳри, Андижон вилояти ИИБлари экспер-криминалистлари фаҳрли ўринларни ёгаллашди. Г. Никишин шулар ва бошқа ютуқлар ҳақида очишига муносаб улуш қўйилган камчиликларни ҳам айтиб ўтди.

Йигилишда сўз олган республика ИИВ ЭКБ бошлиғининг муовини, милиция подполковники X. Фай-

зиев экспер-криминалистика хизмати бўлинмаларида юқори малакали мутахассислар ўзагини шакллантириш бўйича олиб борилаётган изланишлар ҳақида маъруза қилди.

Шундан сўнг вилоятлар ИИБ ЭКБлари бошлиқлари сўзга чиқиб, жойларда 2001 йил давомида қилинган ишлар, келгуси режалар ва мавжуд муаммолар ҳақида ахборот бериши. Йигилишда қимматли таклифлар ҳам билдирилди. Масалан, яқин келажакда вилоятлар ЭКБларида кўчма криминалистика лабораторияси жорий этишга келишилди.

Ўз мухбиришимиз.

Ватанни ҳимоя қилиш, эл тинчлиги ва осойиш-талигини саклаш улуг касб. Коровул қўшинлари бош бошқармасида ўтказилган йигилишда зобитнинг бурчи, шаъни ва масъулияти, юклатилган вазифаларни бажаришда ҳарбий хизматчиларга билим бериш ва уларни тарбиялашдаги ўрни ҳақида гап борди.

Йигилиш олдидан йиғирма йилдан ортиқ қўшинларга қўмандонлик қилган марҳум генерал-лейтенант Б. Х. Сирождин ёдгорлиги пойига гуллар қўйилди. Шундан сўнг Кўмандоннинг тарбияий ишлар бўйича ўринbosari, милиция полковники М. Фозилов "Коровул қўшинлари зо-

битининг бурчи, ўрни ва обрўси ҳақида" маъруза қилди. Сўзга чиқсан зобитлар ҳарбий бурч, маҳорат, интизом ва жанговар тайёргарлик ҳақида гапидилар.

Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси бўлим мудири А. Ҳакимова, "Сардор" ва "Остона" видеофильмлари режиссё-

ри Ш. Маҳбубов, қўшинлар фаҳрилари С. Буличев ва Д. Бафаевлар сўзга чиқиб, кекса авлоднинг шонли анъаналарини давом эттириш борасида қимматли маслаҳатлар ва тавсиялар бериши.

Йигилиш зобитлар иш услубини такомиллаштириш бўйича асосий йўналишлар ва аниқ тадбирларни белгилаб олиш, уларнинг масъулиятини янада ошириш имконини берди. Иштирокчиларга "Остона" видеофильмидан лавҳалар намойиш этилди.

Н. ЧУРСИНОВ,
истеъфодаги полковник.

Яқинда Қашқадарё вилояти ИИБ ёхда ўкув-семинар бўлиб ўтди. Унда бошқарма аппарати ходимлари, ёнғин хавфсизлиги бўлинмаси шахсий таркиби, бўлинмалар, туман ИИБ ёхб бошлиқлари иштирок этишиди.

Тадбирни вилоят ИИБ ёхб бошлиғи, ички хизмат подполковники Дилшод Пўлатов очди ҳамда маъруза қилди.

Шундан сўнг вилоят прокуратураси умумий

назорат бўлими катта прокурори, адлия маслаҳатчи-си Хайрулла Ҳамроқолов йигилганларга "Жинон жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республи-

касининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгаришилар ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонуннинг амалга татбиқ этилиши юзасидан сўз юритди. Вилоят ИИБ бўлим бошлиғи, милиция подполковники Ж. Турсунов вилоятликнинг "Хизмат текширувларини ўтказиш тартиби тўғрисида"ги йўриқномаси ҳақида тушенча берди.

Вилоят ИИБ ёхб бошлиғи муовини, ички хизмат майори С. Муродов "Ички ишлар идора-

ларида ўтказилаётган ислоҳотларнинг асл мақсад, моҳияти ва вазифалари тўғрисида" шу бошқарма кадрлар бўлими бошлиғи, ички хизмат катта лейтенанти Б. Пирматов эса "ИИБда сиёсий-ижтимоий ўқишини ташкил этиш тўғрисида"ги бўйича маъруза қилдилар.

Семинар сўнгидаги қизғин мунозаралар бўлди.

С. АМИНОВА.
Суратларда: семинар пайти.

О. ПРИМОВ
олган суратлар.

Мъалумки, жорий йилда тармоқ касаба уюшмалари бошлангич ташкилотларида ҳисобот-сайлов йигилишлари ўтказилади. Шу муносабат билан Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси семинар-йиғилиши ўтказди.

Семинарда Ўзбекистон Республикаси ИИВ бошлиғинич касаба уюшмалари

ри раислари ҳам иштирок этдилар. Уларга ҳисобот-сайлов йигилишлари ўтка-

зида эътибор берилиши зарур бўлган қоидалар хусусида кўрсатмалар берилди.

Йигилишда жамоат шартномаларининг бажарилиши борасидаги масала ҳам кўриб чиқилди. Мехнатни муҳофаза қилишни энг яхши ташкил этган ташкилотларга

танлов якунлари бўйича пул мукофотлари топширилди.

Шунингдек, йигилишда 16 марта куни умумхалқ ҳашарини уюшқолик билан ўтказиш борасида аниқ режалар белгилаб олдилар.

Ўз мухбиришимиз.

4 марта Ўзбекистон Республикаси ИИВ Қоровул қўшинлари Бош бошқармасининг ташкил топганига уч йил тўлиши муносабати билан тантана-ли тадбир бўлиб ўтди.

Уни Қоровул қўшинлари шаби бошлиғи, генерал-майор В. Бухтеев очиб, республика Ички ишлар вазирининг табриги ҳамда буйргуни ўқиб эшиттирди. Сўнг Қоровул қўшинлари кўмандони, подполковник Н. Сулейманов нутқ сўзлади.

Республика ИИВ ШТБИХ бўлим бошлиғи ўринbosari, милиция подполковники Ш. Ортиқов, ИИВ Тошкент Олий ҳарбий-техник билим юрти бошлиғи генерал-майор Ш. Ниёзов, Ички қўшинлар кўмандони, генерал-майор Ж. Фозилов ва бошқалар сўз олиб, йигилганларни, Қоровул қўшинларининг барча шахсий таркибини бу кутлуг айтиб билан табрикалашди.

Хизматда намуна кўрсатганлар, Қоровул қўшинлари фаҳрийларига турли мукофотлар топширилди. Тадбир сўнгидаги концепт дастури намойиш этилди.

О. ЭГАМБЕРДИЕВ,
подполковник.



Шу йил 1 мартадан 31 марта
қадар республикамизда
"Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги"
ўтказилмоқда

ТАРГИБОТ ИШЛАРИ АВЖИДА

Республикамизда давом этатган ҳаракат хавфсизлиги ойлиги Тошкент вилоятининг ЙХХБ ходимлари ҳам фаол иштирок этмоқдалар. Тадбирнинг биринчи куниданоқ тарғибот гурухи тузилиди. Вилоят соғлиқни саклаш, ҳалқ таълими, солиқ бошқармалари, мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти, авто-мото ҳаваскорлар жамиятининг вакиллари бу тадбирга жалб этилди.


Улар йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг ходимлари, мутахассислари билан ҳамкорликда туман ва шаҳарларда мактаб ўқувчилари, фуқаролар билан учрашувлар ўтказишмоқда. Тарғибот автобуси Тошкент, Зангига, Қиброй туманларида бўлди. Гурух аъзолари



йўлларда пиёдаларнинг эътибор берилари зарур бўлган қоидалар ҳақида батафсил тушунтиришлар олиб боришишти. Шунингдек, автоҳалокат содир этилганда биринчи ёрдам кўрсатиш, мактаблар, кўчаларда юриш қоидаларини ўргатиш, амалий машгулотлар ва сұхбатлар қизиқарли ўтмоқда. Тарғибот гурухи томонидан ташкил этилаётган тадбирлар ўз самарасини бермоқда.

Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги давомида тарғибот автобуси вилоятининг барча шаҳар ва туманларида бўлади.

И. САЙИДИКАРИМОВ,
милиция капитани.



ЁШЛАРНИНГ ЯҚИН МАСЛАҲАТГҮЙИ

Розия опанинг отаси раҳматли, истеъфодаги милиция полковники Умид ака Ҳайитов қизининг ички ишлар идорасида хизмат қилмоқчилигини эшишиб, анчагача ўй суреб қолганди.

Ўшанда наҳотки отам норози бўлса, деган ўй юрагига чўғдай ботди. Чунки отаси шу соҳада узоқ ишлагани учун касбнинг паст-баландини яхши биларди. У қизидаги ниятнинг қатъийлигини кўргач, унга оқ фотиха берди.

Ўшанда, 1970 йилда Қарши Давлат педагогика институтининг рус тили ва адабиёти факультетини тугатган Розия Ҳайитова ички ишлар идорасига қабул қилинди. У вилоят ИИБ ХЧК ва ФБ инспектори бўлиб ишлай бошлади. Ёш, гайратли қиз тезда паспорт тизимида ҳужжатларни юритиш малақасини пухта ўзлаштириди. У жамоатчилик ишларидан фаол иштирок этиб, турли тадбирлар, кўрик-танловлар, мусобақаларни уоштириша ибрат кўрсатди.

Интилганга толе ёр, дейдилар. Розия Ҳайитова бошқарма ХЧК ва ФБ, ташкилий инспекторлик бўлимида турли масъул

лавозимларда ишлади. 1997 йилда милиция подполковники унвонида истеъфога чиқди. Опанинг турмуш ўрготи, милиция подполковники Баҳром Муродуллаев ҳам ўттиз йилдан ортиқ вилоят ички ишлар бошқармаси ДАН (ҳозирги ЙХХБ) бўлимида турли вазифаларда ишлади. Айни пайтда у ҳам пенсияда. Уларнинг 3 ўғли, 2 қизи бор. Алишер ота-она касбини эгаллаган: ҳозирда вилоят ИИБда инспектор, милиция катта лейтенант.

— Отам раҳматли ишда қаттиқўл, уйда меҳрибон инсон эдилар, — дейди Розия опа. — У кишидек елкамга погон тақиб,



ички ишлар идораларида ишлашни болалигимдан орзу қиласдим. Синглим Раҳима ҳам ота касбини танлади. У ҳозир вилоят ички ишлар бошқармасида хизмат қиласди, милиция подполковники.

Ички ишлар идораларида ишлаш учун метинде ирода, билим ва жасорат керак. Розия опа машаққатлардан чекинмади. Доимо олдинга интилди. Бугунги кунда у бир этак набираларнинг бувиси. Ўзи яшайдиган маҳалладаги маросимларда фаол иштирок этади. Ёшларнинг яқин маслаҳатгўйи.

Ҳайитовлар сулоласининг ажойиб вакиласи Розия Ҳайитовнинг ҳаёти ёшларга ибрат мактаби бўлиб қолишига шубҳа ийк.

У. ҲАЙДАРОВ.

“Қозон шаҳрида яшовчи бир гурӯҳ фахрийлар хат йўллашасяпти. Сизлар туфайли қуролдошимизни излаб топишга муваффақ бўлдик. Узоқ вақтдан бери кутинган учрашув бўлиб ўтди. Бунинг учун катта раҳмат”.

“Екатеринбург шаҳри милиция ходимлари номидан тезкор фаолиятингиз учун миннатдорчиллик билдирамиз”.

“Йиллар давомида Тошкентда яшовчи қариндошларимни излаб тополмаётган эдик. Қаерларга мурожаат қилмадик, дейсиз. Ниҳоят сизларнинг кўмагингизда яна кўришдик”. С. Пессина, Истроил.

“Қадрли аёлларимиз! Унча осон бўлмаган, аммо шарафли меҳнатингиз учун раҳмат! Ёрдамингиздан беҳад миннатдормиз”. Тошкент шаҳар ИИББ ходимлари.

ШУНДАЙ ХИЗМАТ БОР

Шунга ўхаш дил изҳори битилган хатлар ва телеграммалар Тошкент шаҳар ИИББ Манзил-маълумотлар бюросига тез-тез келиб турди. Бу номалар бир пайтнинг ўзида було ходимлари фаолиятига берилётган юқори баҳо ҳамдир.

Ҳозирда картотекада тўрт миллиондан ортиқ фуқароларга оид маълумотлар сакланади. Боз устига, доимо ўзгаришлар бўлиб турди —

кимдир келади, бошқа бирор Тошкент ёки пойтахт вилоятидан жўнаб кетади. Ҳаммасини эътиборга олиб бориш лозим.

Бундан ташқари було ходимлари (улар асосан аёллар) кечакундуз давомида навбатчиликда туришларига тўғри келади. Тошкент шаҳар ИИББ тизимидағи ушбу муассасанинг асосий вазифаси ички ишлар идораларига кўмаклашишидир.

Ҳозирда картотекада тўрт миллиондан ортиқ фуқароларга оид маълумотлар сакланади. Боз устига, доимо ўзгаришлар бўлиб турди —



Яъни, тунлари милиция ходимлари қанчалик ҳушёр бўлишмасин, було навбатчиси бирлаҳза ҳам пультдан нари кетмайди. Зоро, ушланган ҳукуқбузар исмарифи ёки манзилини нотўғри айтиб, терговни чалғитиши мумкин. Умуман, тезкор-қидирив ишлари олиб борилаётганда було маълумотлари аскотади. Яна бир томони, ушбу хизматдан нафақат ҳукуқ-тартибот ходимлари, оддий фуқаролар ҳам фойдаланишасяпти. Кимнидир излаб топишга ёрдам бериш илтимос қилинган хатлар дунёнинг барча бурчакларидан келиб турибди.

— Бундан бир неча йил илгари, — дейа хотирлайди Манзил-маълумотлар було-

кишидир келади, бошқа бирор Тошкент ёки пойтахт вилоятидан жўнаб кетади. Ҳаммасини эътиборга олиб бориш лозим.

Бизнинг олдимизга келиб “ҳеч бўлмаса кексайгандан биргамиз, сизлардан миннатдормиз”, дейишиди.

Кунлардан бир кун Нальчик шаҳрида яшовчи фуқаро мурожаат қиласди қолди. Иккинчи жаҳон урушида тошкентлик қуролдоши билан бирга жант қилган экан. Улардан бири яраланғач, бошқа қўришишмабди. Унга қуролдоши вафот эттани айтлигана ҳечрасини маъюслик қоплаб, дўстининг фарзандлари яшайдиган манзилини тодиб беришни илтимос қиласди. “Улар билан қўришиб, оталари қандай ажойиб инсон бўлганини сўзлаб бераман”, — деди у.

Ходимлар яна бир воқеа — москвалик пенсионер аёл сабиқ эрини топишда ёрдам

сўраб хат йўллагани, конверт ичига эса Россия рублидан солиб юборганини эслашади.

— Биз у кишига керакли маълумотномани, шу билан бирга табиийки йўллаган пулени қўшиб жўнатдик, — деди Сожида Абдуллаевна. — Орадан маълум вақт ўтгач шу фуқародан миннатдорчилик мактуби олдик.

— Турли воқеаларга дуч келамиз, баъзан қайсиидир оилада рўй берган кўнгилсизликнинг гувоҳи бўламиз, — сұхбатга қўшилди було бошлигининг муовини Л. Ростова. — Ёдимда, бизга ёш ҳомиладор аёл мурожаат қиласди. У болалигига отаси иккисини ташлаб, бошқа кишига турмушга чиқиб кетган онасининг манзилини сўради. Керакли манзилни айтдик. Орадан иккиси кун ўтгач у яна келди. Қўзлари йигидан қизарип кетган эди. У онасини топиби. Вояга етаб деб қолган қизи билан машинага ўтироқчи бўлиб турган экан. Излаб борган боласи билан гаплашгиси ҳам келмади. Шунақа гаплар.

Ҳозирда було нафақат кимнидир топиш, бошқа масалаларда ҳам ёрдам

РАҲМАТ, СОФИЯ ОПА!

Пойтахтнинг Миробод туманида яшовчилар паспорт қўлларига тегадиган кун албатта кувонишиади. Чунки паспорт берувчи София опа Рискулова ҳар қанақа оғир табиат, ичи тор одамнинг ҳам кўнглига ажаб бир ёруғлик, нур олиб кира олади. Опанинг очик чехрасида балқиб турган самимият беихтиёр кишига ўтади, юқади.

София опа фуқаронинг исмарифини сўраб олиб, тақрорлаб туриб, унинг ҳужжатини қидиради. Унинг юзи, кўзидаги, сўзида соддалик, хушумомаласи ҳар қандай кишини ҳам рўм этади. Фуқаро паспортини олар экан, ходиманинг исмарифини сўраганини билмай қолади. Кейин кетиш олдидан, албатта:

— Катта раҳмат, София Топиловна! — дейди.

Бундан опа ҳам хурсанд бўладилар. Чунки кишининг ҳожати чиқди, у мамнун. Ҳар гал шундай бўлади. Мана, чорак асрки, София Топиловна ХЧК ва ФБда хизмат қиласди. Шу даврда Миробод тумани ИИБдан паспорт олганларнинг қарийб ҳаммасига бу мўътабар ҳужжатни унинг ўзи топширган бўлса керак. Айниқса, сабиқ иттифоқ паспортларини миллий паспортларга алмаштириш



палласида унинг иши роса қайнаган эди.

Қанийди, иш байрамдай бўлса эди, деймиз. Ваҳдоланки, билмаймизки, бу кишининг ўзига боғлиқ. София опа билан мулоқот қилиб бунга яна бир бор амин бўлдик.

А. ЗОЛОТАРЕВА.

Ш. ЗУФАРОВ олган сурат.



сўраб мурожаат қилишашапти. Масалан, ҳужжат йўқолгандага фуқаро фалон манзилга рўйхатта олинган, деган маълумотнома керак бўлади. Бошқа бир ҳолатда кимдир квартира сотиб олади, уй эгаси эса вақтида рўйхатдан ўчмайди. Уни қаердан топиш мумкин? Бундай пайтда ходимлар бажонидил ёрдам беришади.

Бюородаги иш осон эмас, аммо жуда керакли. Кўпчилик инспекторлар, рўйхатга олувчилар мактабдан тўғри шу ерга келиб, ҳозирда катта тажриба тўплашган. Айтайлик Д. Губайдуллина ва И. Маматалиевалар 1966 йилдан бўён меҳнат қилишади. Катта инспектор Н. Пўлатова йигирма йилдан ортиқ вақтдан бери шу ерда. С. Шокирова эса яна иккиси йилдан сўнг фаолиятининг ўттисиз йиллигини нишонлади.

И. САЙФУДИНОВА.

Суратларда: Манзил-маълумотлар бюроси бошлиғи С. Шокирова(чапдан) ва унинг ўринбосари Л. Ростова; пастдаги суратларда эса шу ерда хизмат қиласдиётган аёллар фоалиятидан лавҳалар акс этирилган.

А. МИРЗАМУҲАМЕДОВ олган суратлар.

Баҳорнинг илиқ шабадасидан хузурланиб бораётган аёл қаршисидан чиқсан милиция ходими билан қуюқ сўрашди:

— Опажон, мингдан минг раҳмат, соғайиб кетдим, умрингиздан барака топинг.

— Раҳмат ука, энди асло дард кўрманг, — дей табасум билан жавоб қилиб йўлида давом этди.

Аннел Маъруфовна Акрамова бундай миннатдорчиларни кўп эшиди. Айримларни танийди, айрим милиция ходимларини эслолмаса ҳам соғайиб кетганидан мамнун бўлиб, меҳнатлари зое кетмаганидан қалби гурурга тўлади.

Тошкент шаҳрида тажрибали стоматолог номи билан танилган Матруф ака қизининг шифокор бўлишини орзу қиласди. У эгнига оқ ҳалат кийиб, иш бошлаган куни хонадонда байрам бўлди. Шунга ҳам чорак асрдан ошди. Дастреб шаҳар касалхоналаридан бирида ишлади. Кейинчалик уни Тошкент шаҳар ИИБ поликлиникасига ишга таклиф қилишди.

— Шундан бери ички ишлар идоралари ходим-

ларининг саломатлигини сақлаш, дардга чалингандарни даволашда қўлдан келганча ҳаракат қилияман, — дейди А. Акрамова камтарлик билан. — Хал-

бўлиб туришлари керак. Ҳар бир ходимнинг хизматда ўз ўрни бор. Шунинг учун ҳам сафлар доим тўлиб туриши керак. Хизматдаги ходимнинг сало-

ди Тошкент вилояти ИИБ поликлиникаси бош шифокори, ички хизмат подполковники Дилмурад Самадов, — Тажрибали шифокордан ҳамма мамнун.

нича бошқа шифокорлар билан баравар ҳаракатда бўладилар.

Тажрибали шифокор тиббиёт бўлимидаги назоратчи сифатида даволаш


Х. Соатовлар, беморга нисбатан талабчан бўлиш уларнинг дори-дармонларни ўз вақтида қабул қилиши, парҳезга риоя этиши ва шу қабиларни бажарини назорат қилиб, шунга амал қилишига эришиши кераклиги, беморга имкони борича руҳий мадад бериш лозимлигини бот-бот ўқтиришади. Мен устозлар берган билим, ўргатган тажрибали учун миннатдорман, — дейди Аннел опа.

Шифокорнинг оиласи ҳам ибратли. Турмуш ўртоги илмий ходим. Қизи онаси изидан борган Тошкент Давлат тиббиёт институтининг магистратурасида таҳсил олмоқда. Катта ўғли шаҳар газлаштириш идорасида ишлайди, кенжаси мактабда ўқыйди.

Ҳаёт ташвишларга тўла. Кимдир оиласи, кимдир ўқиши ва бошқа бирори иши ҳақида ўйлади. Аннел опани эса кўпроқ милиция ходимларининг саломатлиги ташвишлантиради. У беморни даволаш, унга саломатлик бахшида этиш билан банд.

С. ШАМСИДДИНОВ.

Суратда: А. Акрамова беморнинг саломатлигини текширияти.



қимиз юрт тинчлиги осойиштагини сақлашни милиция ходимларига ишониб топширган. Улар ҳар доим, ҳар қандай шароитда хизматга шай-

матлиги яхши бўлиши лозим.

— Аннел Маъруфовна нинг поликлиникамизда хизмат қилаётганига саквизиз йилдан ошди, — дей-

Опанинг ташкилотчилигини ҳам алоҳида ҳурмат билан тилга олса арзиди. Сиҳаттоҳимизга шифо излаб келган ходимлар соғайиб, яна сафга қайтгу-

БАХТИ ТЎКИС АЁЛ

Марҳум милиция майори Раббим Эшонқуловни Кашқадарё вилояти ички ишлар тизимида танимagan одам йўқ. Ички ишлар идораларида қарийб 34 йилдан ортиқ хизмат килган бу инсоннинг фаолияти ёш ходимлар учун мактаб вазифасини ўтайди.

Раббим акадан тўккиз фарзанд қолди. Уларнинг орасида Зулхумор ота касбини танлади.



Ёшлигиданоқ отаси каби форма кийишни орзу қилган Зулхумор 1974 йилда Қарши шаҳар ИИБга ишга кириб, санитария милицияси инспектори бўлиб ишлай бошлади. Орадан бир йил ўтиб, у шаҳар ИИБ паспорт бўли-

ми инспектори вазифасига ўтказилди. Зулхумор опа 1985-1989 йillardarda XЧК ва ФБнинг катта инспектори вазифасида ишлади.

У Қарши шаҳар ИИБ қошибаги вояга етмагандар билан ишлаш инспекциясида катта инспектор бўлиб фаолият кўрсатиб, ёш авлод тарбиясига муносиб ҳисса қўшди. Бу орада Қарши Давлат педагогика институтининг тарих-жамиятшунослик факультетида сиртдан ўқиб, олий маълумот олишга ҳам улгурди.

1991 йилда Зулхумор опа Эшонкулованинг хизмат йўналишида кескин бурилиш юз берди. Унинг

касб маҳорати, хизматга садоқати, иш тажрибаси инобатга олинниб, вилоят ИИБ ЖҚБга ишга тайинланди. Бу вазифада ҳам виждан хизмат қилди.

У ички ишлар идораларида 20 йил меҳнат қилиб, милиция майори унвонига сазовор бўлди.

Истеъфодаги милиция майори Зулхумор Эшонкулова нафақат намунали ички ишлар фаҳрийси, балки баҳти тўкис аёл ҳамдир. Унинг ҳамма ҳавас қилса арзигулик оиласи бор. Турмуш ўртоги Усмон Турдиев ва тўрт забардаст ўғиллари опанинг суюнчи.

Зулхумор опани қайноти Галина опа “ҳам келиним, ҳам қизим” дейди. Қайноти келининг аҳиллигига маҳалла аҳли ҳавас қилади.

С. АМИНОВА.

Суратда: истеъфодаги милиция майори З. Эшонкулова.

Эл тинчлигини саклашда ички ишлар тизимида алоқа хизматининг ўрни катта. Бу хизмат ходимлари ҳар бир хабарнинг аниқ ва ўз вақтида керакли жойга етиб боришига масъулдирлар. Гулнора Раҳмонова Сурхондарё вилояти ИИБ алоқа бўлимида операторлик вазифасида ишлаётганига тўккиз йилдан ошди. Ўз ишининг пухта билимдони ва бурчига масъулият билан ёндошадиган ходим. У бир неча марта раҳбариятнинг ташаккурномасига сазовор бўлган.

С. АБДУВОҲИДОВ олган сурат.



Дилором эрталаб ишхонага келганида уни Гулнора опа кутиб турганини кўрди.

— Яна бирор гап бўлди ми? — хавотирланиб сўради у аёл билан ҳол-аҳвол сўрашар экан.

— Тинчлик, хотиржам бўлинг, — деди аёл қадрдан бўлиб қолган посбонга меҳр билан боқар экан.

— Сизга миннатдорчилик билдириш учун келдим. Дурдонани узатиб юбордик. Ҳозир баҳтли ҳаёт кечираяти. Боламни тўғри йўлга солиш учун кўп куондингиз, шунга... барака топинг, марғангиз бундан ҳам улуг бўлсин.

— Бу вазифамиз, — деди Дилором кўнгли кўтарилиб, — Ҳар бир она сиз каби фарзандининг камолини кўришини истайман.

Гулнора опа дуо қилиб жўнаб кетди. Бундан бир неча йил илгари қизи Дурдана уйидан кетиб қоладиган одат чиқарган эди. Шунда туман ИИБ ХООБ катта инспектори, милиция майори Дилором Нисонбоевдан ёрдам сўраб келди. Катта инспектор уни тинчлантириб, ёрдам беражигина айтди. Эртасига ёки билан учрашиб субхатлашиди, унинг кимлар билан алоқа қилаётганини аниқлади. Милиция ҳисбига қўйиб, доимий назорат қилиб турди. Саъ-

ҲУРМАТГА САЗОВОР ИНСПЕКТОР

ҳаракатлар натижасида Дурдонанинг хулқида ўзгариш сезила бошлади. Бора бора онасига гап қайтармайдиган, унинг сўзларидан чиқмайдиган бўлди.

Милиция майори Дилором Нишонбоеванинг ҳаётида бундай воқеалар кўп учраб туради. У 1983 йилда Тошкент шаҳар ИИБ Кўриклиш бошқармасига оддий милиционер бўлиб ишга келди. Орадан саккиз йил ўтгач, уни С. Раҳимов туманига, ҳозирги ишига тайинлашиди. Бу орада Тошкент Давлат муаллиmlар тайёрлаш университетини сиртдан битириб олди. Шундан бери болалар орасида, улар қувончию, ташвиши билан яшайди.

— Бажариладиган ишлар ёд бўлиб кетган, десам хато қилмайман, — деди Дилоромхон. — Ҳар йил ишлаганинг учун бошқарма бошлиги, милиция подполковники Қобилака Накибов соҳамдан ташқари топшириларни ҳам менга ишониб топширадилар. Уларни сид-қидилдан бажаришга ҳаракат қиламан. Хизматнинг ўзига хос томонларини устозим, ҳозирда штаб бошлиги бўлиб ишлаётган, милиция подполковники Имомат Рўзметовдан ўрганганман. Милиция ҳисбига турган ва Амнистия бўйича жазони ижро этиш муассасасидан озод этилган ўсмирларни туман меҳнат биржаси орқали ишга жойлаштириш ёки уларга хунар ўргатиш, билим бериш диққат марказида. Масалан, С. Абдураҳмон Дилоромхоннинг кўмагида ободончилик бўлимига ишга жойлашиди.

М. Рафаэл пойтахтдаги фирмалардан бирида тикивчи. Безорилик қилиб, милиция ҳисбига турган А. Абдулазиз эса ҳозирда олий ўкув юртида таҳсил олайти. Бундай мисолларни яна кептириш мумкин.

Эгнидаги милиция кийими ўзига ярашган бу фидойи инсоннинг ҳаёти ана шундай сермазмун ўтмоқда. Жамоада обрў-этибор қозонгани учун ҳамкаслари уни “Диля” ёки “Диля опа” дей эъзозлашади.

С. ШОДИЕВ.

УСИНСИ «ПОСИНГА» gazetasining ilovasi

+ TV VOLAM

TANIQLI KISHILAR BILAN UCHRASHUV,
HAJVIYA, XANDALAR, KROSSVORD,
SKANVORD, MUNAJJIMLAR BASHORATI,
HAYRATOMUZ VOQEALAR, INTERNET XABARLARI

Тилсимот

Одамларнинг ўз-ўзидан аллангаланиб кетиши ходисаси қадимдан маълум. Кўпинча улар санокли лаҳзалар ичда ловиллаб ёниб, бир ҳовуч кулга айланишган.

МАШЪАЛА ОДАМЛАР

... 1725 йилнинг 19 февралидаги шундай гайри-табий ҳодисалардан бирни Париждаги мўъжазгина меҳмонхонада юз берди. Меҳмонхона хўжайини Жак Милленинг пияниста хотини тунда вино шишасини кўтарганча ертўлага тушиб кетди. Эри хотинини кутиб ўтирамай ухлаб қолди. Бир пайт у аччиқ куюк ҳидидан уйғониб кетди. Апил-тапил кийиниб пастга югурди. Ертўлага тушиб қараса, у ергаги оромкурсида хотининг танасидан қолган бўлаклар тутаб – бурқисб ётарди.

Бўлиб ўтган суд аввалига Жак Миллени ўз хотинини қасдан ўлдиришида айблади. Врач Ле Ша айланувчининг жонига оро кирди. У текшириш натижаларига, марҳумнинг этнидаги кийимлари кўймай қолганига таяниб тана ичдан ёна бошлаганини исботлади. Ваҳланки, ҳали ҳеч ким бошқа бирорни ичидан ёкишга қодир эмас.

Инглиз журналида ҳам шунга ўхаш гаройиб ҳодиса ҳақида мақола чоп этилган эди. Унда 1731 йилда графиня Бандининг сирли ўлими ҳақида ҳикоя қилинади. Шўрлик графинядан каравоти ёнида бир уюмгина кул, унинг орасида эса боши, учта бармоғи ва иккى оёғигина қолган эди.

1905 йил 26 февраль тонгида Ҳэмпшир графлигидаги ғалати ёнгин юз берди. Кичкинагина инглиз қишлоғида яшовчи чолу кампир ёнгинда куйиб қўмирга айланышган эди. Ўт ўчирувчиларни ҳам бир нарса ҳайратта солди: ёнгин юз берган хонадаги жиҳозлар, пардалар, кўрпа-тўшаклар, гиламларга зарар етмаганди ҳисоби.

Хиндистон газетаси "Мадрас мейл"нинг 1907 йил 13 май сонида иккى полициячи Динопор атрофидаги ёниб кетган аёлнинг жасадини топганликлари ҳақида хабар беради. Кўйган тананинг этнидаги кийимлари бус-бутун қолган эди.

Олди-қочди саргузаштасарлар ўқийвериб фантазияси кучайиб кетган замона-вий китобхон юқоридаги ҳодисаларни осонгина изоҳлайди. Унингча, кимдир

рилмасликка қасам ичган отахон яширинча шарм-ҳаёсиз фильмлар ёзилган видеокассеталарни томоша қилас экан. Баъзиларнинг айтишича, у руҳини шайтонга сотган экан. Ҳатто ўша

унинг танаси совишини кутишга тўғри келди".

Марҳумнинг шеригини қотилликда гумон қилиб қамашди. Эртасига қамоқхонага терговчи келди. У камерага кириб гумонланувчи

да аланг олиб кетди. Кеинироқ бошидан кечган воқеани ҳар гал ҳикоя қилиб берганда нукул: "Бу ҳаммаси кўз очиб-юмгунимча содир бўлди" деб тақрорлар эди.

Бошқа бир америкалик Жек Энжел ўзининг кўчма уйида куйиш жароҳати олди. Воқеа бундай бўлди. 1974 йил 12 нояброда у ухлаб, орадан тўрт кун ўтгач уйғонди. Қараса, ўнг қўли азбаройи қаттиқ куйганидан кўмирдек қорайиб кетган эди. Кўкраги, оёғи, орқасидаги куйиш жароҳатлари эса унчалик жиддий эмасди. Фургонда ҳеч қанақа ёнгин излари топилмади. Жек Энжелнинг ўзи ҳеч нарсани эслолмади.

Флоридалик Жинна Винчестер 1980 йил 9 октябрда машинасида кетаётганда тўсатдан уни алана чулғаб олди. Винчестернинг ўзи қаттиқ куйган бўлса-да, машинанинг оқ чарм ўриндиқларига бало ҳам урмананди. Воқеа жойига етиб келган ўт ўчирувчи Т. Хендрикс 12 йиллик хизмати давомида бунағанги мўъжизани биринчи бор кўраётганинни айтди.

Орадан бир неча ҳафта ўтгач, Винчестер хонимнинг ўзи ҳам: "Аввалига бунинг бирор мантиқий сабаби бор, деб ўйлаган эдим. Аммо буни излаб топга олмадим. Менинча, ўз-ўзимдан ётиб кетдим. Лекин бир савол қийнайди – нега айлан мен?" деб тан олган эди.

ХЎШ, САБАБ НИМАДА?

Аслини олганда одамларнинг ўз-ўзидан ёниб кетишилари кам учрайди. XX асрда бор-йўғи 19 бор бундай ҳодиса қайд қилинган. Мутахассисларнинг фикри турлича. Айримлар ўз-ўзидан аллангаланини шу одамнинг ички ҳолати билан боғлашади. Қайд қилинишича, ўлганларнинг кўпчилиги ёниш олдидан қаттиқ сиқилиш ёки руҳий тушкунлик ҳолатида бўлган.

Швейцар олимни Л. Шумахернинг фикрича, бу илм-фанга номаълум нурлар сабаби ҳам бўлиши мумкин. "Муайян шарт-шароитда бундай энергиянинг одам организмининг биомайдони билан таъсирилашви катта қувват портлашларини келтириб чиқариши мумкин", – дейди олим. Унинг тахминича, бундай энергиянинг таъсири доираси чекланган бўлиши мумкин экан...

... Қатор физикларнинг мулоҳазаларида, организм ҳужайраларида кечадиган термоядро реакциялари ҳам энергия манбаи бўлиши мумкин. Муайян шарт-шароитда организм ҳужайраларида бошланган бу реакциялар бошқа материаллар (масалан, кийим)га таъсири килмас эмиш.

Хориж материаллари асосида таъёрланди.



куни шайтоннинг ўзи руҳоний қиёфасида ваъз ўқиди, деганлар ҳам бўлди. Гувоҳларни сўрқ қилиб бўлгач, полициячилар жиноят ишини ёпиши.

Аммо ҳар доим ҳам ёнган тана қулга айланавермас экан. Ўтган йили мўгулистанлик чўпон Аржанда куйиб гўёки қора мумдек қотиб қолди. Унинг кийимида зарар етмади. Атрофидаги ҳам ҳеч нарса куймади, ёнмади, ўшанда ҳаво 15 дараҷа совуқ эди. Чўпоннинг шериги шундай ҳикоя қилади:

"Мен сурувнинг бир қисмини ҳайдаб, олдинга кетиб қолган эдим. Изимга қайтиб келсан, Аржанда йўл четидаги иштонини ечганча чўнқайиб ўтирибди. Ҳожатини раво қилмоқчи бўлгани шундоқ кўриниб турар эди. Яқинроқ бориб қарасам, тани кўмирдек қорайиб кетиби. Кўркиб кетдим. Ёрдамга одамларни чакиргани яқин атрофидаги қишлоқга юргурдим.

Аржанданинг қариндошлиари унинг мурдасини ёғоч замбил устига ётқизмоқчи бўлиши. Аммо замбил тутаб кетди. Шундан сўнг

ўрнига қорайиб кўмирга айланган сукларни, иккича бўлак гўштни топди. Фожианинг тилсимини ҳеч ким оча олмади.

Техасда яшовчи Майл Лифшинни ўз машинасида ўлик ҳолда топишиди. Унинг юзи ва қўллари куйган, аммо сочи ва қошига олов зиён етказмаган эди. Унинг автомобили гаражда бўлгани учун полициячилар Майл ўзини ис гази билан заҳарлаб ўлдирган, деб тахмин қилишди. Машинанинг кузови қўлни куйдирадиган дараҷада қизиган эди.

ТИРИК ҚОЛГАНЛАР ҲАМ БОР

Аммо ҳамма ўзи ёнарлар ҳам ўлиб кетавермаган.

1916 йил декабрида АҚШнинг Нью-Жерси штатидаги Дувр шаҳрилик меҳмонхона эгаси Томас Морфи хизматчиси Лилян Гринни жиддий куйиш жароҳати олганидан сўнг кўриб қолди. Аёл хушини йўқотмаган бўлса ҳам, лекин нега танасини алана қоплаганини тушунтириб бера олмади.

1942 йилда банк ходими Аурора Троер иш жойи-



АЁЛЛАР? АЁЛЛАР... АЁЛЛАР!

Надежда Андреевна Дурова уйидан қочиб, эркакча кийини, ўзини Александр Дуров деб танишириб, улан полкига кўнгилли бўлиб ёзилди. У 1807 йилда Пруссияга юришда, 1812 йилги Ватан урушида қатнашиди. Жангларда кўрсатган мардлиги учун бир неча бор тақдирланган. Жумладан, аёллар ичиза биринчи бўлиб Фалаба келтирувчи Георгий орденига сазовор бўлган, офицерликка ўтказилган. У М. И. Кутузов штаби қошида хизмат қилган. Унинг тўғрисида "Гусар ҳақида баллада" бадиий фильмни ишланган.

Фуқаронинг ҳурматини қозонган, Мексика армиясининг полковниги, 1910 йил инқолоби қаҳрамони, кўплаб юксак ҳарбий мукофотлар совриндори аёл киши — Амалия Робелье бўлиб чиқди. Бу 85 ёшли полковник Хиппачинго шахридаги ҳарбий шифохонага ётганида фош бўлиб қолди.

Учувчилик касбини Россияда аёллардан П. Зверева эгаллаган. Ўзбекистонда эса Н. Кузнецова, А. Бекбулатова, А. Шаровалар биринчилардан бўлиб бу касбни эгалашган.

Иккинчи жаҳон урушида аёллар орасида энг кўп самолёт уриб тушириш бўйича рекорд кичик лейтенант Лидия Литвакка қарашлидир. У 1941—1943 йиллар орасида 12 фашист самолётини уриб туширган. Ўзи 1943 йил 1 августида ҳаво жангидаги ҳарбий бўлган.

Дунёда энг бой аёл — Буюк Британия қироличаси Елизавета II дир. Унинг бойлиги 11,7 миллиард доллар атрофида баҳоланади.

Энг оғир вазнли аёл американлик Перен Валингтон бўлиб, унинг оғирлиги 1972 йилда 399,1 кг.ни ташкил этан.

Энг узоқ умр кўрган аёл туркиялик 169 ёшли Ҳожар Исекк Нине бўлган. У ўлими олдидан: "Ёруг оламда

Биласизми?

яна яшасам эди" деган экан.

Хиндишонлик аёл Мата Жаждамбанинг сочи дунёда энг узун бўлиб, 1994 йилда 4,23 м. га етган экан.

Успенский номидаги Тошкент мусиқа мактаби ўкувчиси 15 ёшли Даша Солиҳова номи ҳам Гиннес рекордлар китобига кирилган. Унинг бўйи 175 см бўлганда сочининг узунлиги 181 см.га етган.

Венгрияниг Кишкун шаҳрилик Калмани Киш бева қолгач умрини болалар тарбиясига багишлади. У ўзининг олти фарзандидан ташқари яна 94 нафар ўғилкезни қарамогига олди.

Польшалик спортич Кристина Хайновска-Лискевич аёллар ичиза биринчи бўлиб "Мазурук" яхтасида ёлғиз ўзи дунёни айланиб чиқди.

Ла-Манш бўғозидан кўпилар икки мартадан сузуб ўтишган. Аммо бу борада мутлақ рекорд голландиялик аёл Исен ван ден Аанг тегишидир. У 18 соату 15 дақиқада бўғоздан икки марта сузуб ўтган. Эрқаклар эса бунга бор-йўғи 21 соату 37 дақиқада муваффақ бўлишган.

1992 йил апрелида XIX аср ўзбек шоираси Моҳлар ойим — Нодира сурати туширилган Ўзбекистон Республикасининг биринчи почта маркаси 2 миллион нусхада мумомалага киритилди.

Китоб ёзиш бўйича аёллар ичиза мутлақ рекорд инглиз ёзувчиси Барбара Картлендга тегишили. У жами 681 роман чоп этирган. Улар бутун дунё бўйлаб 650 миллиондан ортиқ нусхада тарқалган. Бир йил давомида шахсий рекорди 19 роман.

Н. ЧУРСИНОВ тўплаган.

Аёллар учун тест саволлари

ФЕЛЬ-АТВОРИНГИЗНИ БИЛАСИЗМИ?

Сиз одамлар билан мулокотда ўзингизни хушмумомала инсон, намунали умр йўлдоши ва она, яхши уй бекаси, ишончли ходим, деб хисоблайсизми? Кариндошларингиз, яқинларингиз, дугоналарингиз ва ҳамкасларингиз ҳам шу фикрдами? Эътиборингизга тақдим этилаётган қуийдаги тест саволлари ташқаридан ўзингизни баҳолашга яқиндан ёрдам беради, деган умиддамиз.

1. Ҳар бир мавсумда кераги бўлмаса ҳам ўзингизга бирор янги кийим сотиб олишга ҳаракат қиласизми?

а) ҳа—3; б) йўқ—0.
2. Қандай матони ёқтирасиз?

а) бир хил ранглиси — 3; б) гул туширилгани — 2; в) унисига ҳам бунисига ҳам қизиқмайман — 0.

3. Қандай кийимни кўпроқ маъқул кўрасиз?

